

Божхона қўмитаси Раисининг 2024 йилдаги иш режаси асосий йўналишлари

биринчидан – Давлат бюджетига божхона тўловлари бўйича 2024 йил учун белгиланган тушумлар прогноз кўрсаткичларини тўлиқ ва ўз вақтида ижросини таъминлаш. Бунда, тушумларни **30 фоизга** ошириш **чоралари кўрилади**.

иккинчидан – “**Хавфни бошқариш**” тизимида сунъий интеллект элементлари кенгайтирилиб, расмийлаштирув жараёнидаги инсон аралашуви кескин қисқартирилади ва экспортда **92 %**, импортда **82 % товарларни содалаштирилган тартибда чиқариш йўлга қўйилади**.

учинчидан – **экспортга товарларни расмийлаштириш тартиби 3 босқичда** амалга оширилади.

тўртинчидан – божхона ва ижтимоий соҳа объектларини инфратузилмасини яхшилаш борасида **5 та божхона объекти** (“Навоий”, “Фиштакўприк” ва “Довут-ота” чегара постлари, Фарғона ва Хоразм вилоятларида божхона объектилари) ва **1 та мактабнинг** (Олмалиқ шаҳридаги 80-сонли мактаб) қурилиш ишлари ниҳоясига етказилади.

Шунингдек, мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда **2 та** (Андижон вилояти “Қорасув” ва Наманган вилоятининг “Поп”) чегара божхона постлари **фаолияти йўлга қўйилади**.

бешинчидан – Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари **Божхона раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги 76-сон йиғилиши** ўтказилади.

олтинчидан – электрон тижорат жараёнларида божхона тартиботларини ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштириш орқали ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилади.

еттинчидан – **Божхона кодексининг** янги таҳрири ишлаб чиқилади.

саккизинчидан – божхона органларида жорий қилинган **10 та** ахборот тизимлари такомиллаштирилади.

тўққизинчидан – Австрия, Беларусь, Малайзия ва Туркия давлатлари божхона хизматлари билан икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган **ҳалқаро шартномалар имзоланиб, 2 та** (Эрон, Ҳиндистон) давлатлар билан олдиндан маълумот алмашинуви йўлга қўйилади.

ўнинчидан – божхона органларига бириктирилган хорижий инвестициялар иштирокидаги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кўпайтириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши борасидаги ишлар мувофиқлаштирилади.

ўн биринчидан – “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг инфратузилмасини яхшилаш борасида қурилиш-таъмирлаш ишлари давом эттирилади.

ўн иккинчидан – Республика бўйича қуёш панеллари ўрнатилишини мониторинг ва назорат қилиш ишлари ташкил этилади.